ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00174

ЁШЛАРНИ ТУРЛИ ТАҲДИДЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШДА АЖДОДЛАР МЕРОСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Асилбек Мўйдинов
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
2-босқич магистранти
asilzoda92@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада ҳозирги глобаллашув шароитида кишилар онгига кўрсатилаётган турли ахборий таъсирлар, ёшларни ҳар хил ғоялар таъсиридан ҳимоялаш, ёшлар тарбияси борасида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар хусусида сўз юритилади.

Калит сўзлар: глобаллашув, оммавий ахборот воситалари, “оммавий маданият”, шахс, таълим, тарбия, маънавият, маънавий таҳдид.

THE IMPORTANCE OF USING ANCESTRAL HERITAGE TO PROTECT YOUNG PEOPLE FROM DIFFERENT THREATS

Asilbek Muydinov
Tashkent State Pedagogical University named after Nizami
the 2nd year master student
asilzoda92@gmail.com

ABSTRACT

In the article is talking about the different types of information influence on people's minds in modern conditions of information in regards of the problems of education, protection of the population, especially young people from the various types of destructive ideas.

Keywords: globalization, media personality, new Uzbekistan, education, spiritual, moral threat.

КИРИШ

Сўнгги вақтларда ижтимоий, маънавий-маърифий соҳада олиб борилаётган ислоҳатлар ҳақида сўз кетганда “Янги Ўзбекистон” ибораси тез-тез тилга олинмоқда. Бу тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00174

эришаётган залворли ютуқларимизнинг эътирофидир. Дарҳақиқат, “Янги Ўзбекистон”да ҳамма соҳалар каби аждодлар меросини ўрганиш, халқимизга, дунёга етказиш, эътироф ва эҳтиром кўрсатишда ҳам сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Тасодиф эмаски, сўнгги йилларда Ўзбекистонда аждодлар меросини кенг тарғиб қилиш мақсадида Ислом цивилизацияси маркази, Халқаро Ислом академияси, Мир Араб олий мадрасаси, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ёшлар академияси ва бошқа талай тадқиқот марказлари, академиялар, махсус мактаблар ташкил этилди. Ушбу даргоҳларда аждодлар илмий мероси тизимли тадқиқ этилиб, замонавий тараққиёт ютуқлари билан ҳамоҳанг ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда “Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади”[1].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Айни кунларда аждодлар меросини ўрганиш, тарғиб қилиш давлат сиёсатининг устувор вазифалари сифатида қайд этилмоқда. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Янги Ўзбекистонни барпо этишда мамлакатимизда ёш авлоднинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ватанимиз ёшларининг билим олиши, юксак маънавиятли бўлиб улғайиши учун зарур шароит яратиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Президентимиз фаолиятининг дастлабки йилларидан бошлаб ёшларнинг таълим-тарбия масаласига алоҳида эътиборини қаратган. Мисол учун юртбошимиз 2017 йил 15 июнь куни пойтахтимизда ўтказилган "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзуидаги анжуманда сўзлаган нутқида "Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан"[2], деб таъкидлаб ўтдилар.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00174

Мустақилликни мустаҳкамлаш, миллий ўзликни англаш жараёнларига турли маънавий таҳдидларнинг салбий таъсири ошиб бораётган бугунги кунда маънавий-маърифий тарғибот-ташвиқот ишлари мамлакатимиздаги янгиланиш суратлари, ислоҳотлар таълабидан ортда қолмоқда. Бу эса ёшлар таълим-тарбияси жараёнига янгидан-янги устувор вазифаларни қўймоқда.

МУҲОКАМА

Бугунги кунда педагогик адабиётларда “маънавий таҳдидлар” тушунчаси кенг ишлатиб келинмоқда. Аввало бу тушунчанинг моҳиятини англаб олиш зарур. Маънавий таҳдидлар — шахс ахлоқий онгида салбий тушунчалар, туйғулар, хусусиятлар ва сифатларни ҳосил қилувчи иллатлар мажмуидир. Чунки “таҳдид” сўзи ҳавф-хатар, хуруж ва бузиш маъноларини англатади. Шу маънода маънавий таҳдидлар шахсни ақлий ва ахлоқий жиҳатдан бузишга қаратилган мақсадли хуружлар хисобланади.[3]

НАТИЖАЛАР

Жамиятимиз олдида маънавий таҳдидларни олдини олиш ёшларимизнинг таълим-тарбиясини шу каби таҳдидлардан асраш вазифаси долзарб аҳамият касб этмоқда. Ёшларимиз маънавий оламини турли мазмундаги маънавий таҳдидлардан ҳимоялаш учун таълим-тарбия жараёнида қуйидаги вазифалар ечимига эътиборни кучайтириш лозим:

Биринчидан, Ёшларимизда ватанпарварлик туйғусини янада кучайтиришга қаратилган маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини замон талабларига мос ҳолатда олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Бу бўйича Президентимизнинг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160 сонли қарорида “Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат дастурларининг мазмун ва моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказишга қаратилган тарғибот ишларини тизимли ва изчил амалга ошириш, бу борада кенг жамоатчилик, олимлар, мутахассислар, ижодкор зиёлилардан иборат “Маърифат” тарғиботчилар жамиятини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини доимий асосда йўлга қўйиш” [4] каби вазифалар белгилаб қўйилди.

Бу эса ўз навбатида маънавий-маърифий тарғибот ишларининг мазмун-мундарижасини тубдан яхшилаш, уларнинг кўлами ва миқёсини кенгайтириш, тизимда фаолият кўрсатаётган соҳа ходимларининг билим ва малакасини изчил

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00174

ошириб боришни тақозо этади. Ёшларимизда ватанпарварлик ҳиссини янада кучайтириш учун таъсирли ва самарали бўлган методлардан кенг фойдаланишни такомиллаштириш, бунда бугунги замон техҳнологияларидан оқилона фойдаланиш катта самара беради. Ёшларимиз қизиқиб томоша қиладиган ватанпарварлик мавзусидаги филъмлар ва мултфилимларни савиясини ошириш энг таъсирчан усуллардан бири ҳисобланади.

Иккинчидан, ёшларда соғлом дунёқараш, жумладан, интернет, ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш маданиятини ошириш, уларда ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришга қаратилган ишларни янги босқичга олиб чиқиш давр талаби бўлиб қолмоқда. Бугунги глоббаллашув даврида ёшларда соғлом дунёқарашни шакллантириш энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Президентимизнинг Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисидаги қарорда “дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чуқур ёритиб бориш, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, “оммавий маданият”, наркобизнес ва бошқа таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш” бўйича қатор вазифалар белгилаб берилган.

Биз ёшларимизни фан-техника, ахборот технологиялари ютуқларидан, кенг бахраманд бўлишини ҳоҳлаймиз лекин шу билан бирга бу даврнинг таҳдилари уларнинг онгини заҳарлашини ҳам ҳоҳламаймиз.

Учинчидан: Миллий қадриятларимиз ва аждодларимиздан қолган миллий маънавий меросларимизга нисбатан ёшларда ҳурмат руҳини тарбиялаш “оммавий маданият” тарзидаги турли таҳдидларга қарши курашда алоҳида ўрин тутади. Бу соҳада ўрнак бўла оладиган давлатларнинг тажрибасидан фойдаланиш. Президентимизнинг 2017 йил 23 июнда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорида ёшларни миллий ва диний қадриятлар руҳида тарбиялаш масалалари ечимига атрофлича тўхталиб ўтилган. Қарорда **“**жаҳон илм-фани тарихида ўчмас из қолдирган Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Маҳмуд Замаҳшарий, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи каби олим ва мутафаккирлар меросининг тарихий ва замонавий цивилизация тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Камолиддин Беҳзод, Маҳмуд Музаҳҳиб

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00174

сингари мумтоз адабиёт ва санъат намояндалари ижодининг инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб бериш“ [5] га алоҳида муҳим вазифа сифатида айтиб ўтилган. Бу алломаларимизнинг ижтимоий-фалсафий меросида ватанга муҳаббат, меҳнат, тинчлик мавзуси, ижтимоий ҳамкорликка оид қарашлари ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бу соҳада ривожланган давлатларнинг, Япония, Ҳитойнинг миллий қадриятларини асрашдаги бой тажриба ва методлардан фойдаланиш уларнинг бу соҳадаги ютуқларидан фойдаланиш .

Тўртинчидан, Ёшларимизга таълим-тарбия беришда ислом динининг манбалари Қурони Карим оятлари ва ҳадислардан оқилона фойдаланиш, ёшларда аҳлоқий қадриятларни юксалтиришда диний ташкилотлар имкониятдиан унумли фойдаланиш ҳар қачонгидан муҳимдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 23 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорида” ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк ватандошларимиз – Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Абу Мансур Мотурудий, Абу Муин Насафий, Қаффол Шоший, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Валий каби алломаларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур тадқиқ этиш, уларнинг илмий-маънавий жасорати, улуғ инсоний фазилатларини кенг тарғиб қилиш” бўйича вазифалар белгилаб берилдган.

Бешинчидан: Ёшларимизнинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, баркамол шахсни тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини ошириш ишларига алоҳида тўталиб ўтиш зарур. Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида” [6] ги қарори бу соҳадаги энг ахамиятли ишлардан бири бўлди. Бу қарор халқимиз, аввало, ёшларнинг маънавий-маърифий, бадиий-эстетик талабларига жавоб берадиган китобларни юксак сифат билан чоп этиш, жойларга, таълим муассасаларига вақтида ва мақбул нархларда етказиш, миллий ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини таржима қилиш, фарзандларимизда болаликдан бошлаб китоб, жумладан, электрон китоб ўқиш кўникмасини шакллантириш, жамиятимизда мутолаа маданиятини юксалтириш билан боғлиқ муҳим масалаларни ҳал этишга ҳизмат қилиб келмоқда.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00174

ХУЛОСА

Бу вазифаларни жамиятда ижросини таминлаш учун давлатимиз барча шароитларни яратиб келмоқда. Ёшларимиз маънавий оламини турли мазмундаги бузғунчи таҳдидлардан ҳимоя қиилишда буюк аждодларимиз меросини тарғиб қилишда оила-маҳалла-таълим-нодавлат ташкилотлари фаолиятини фаоллаштириш, тарғибот тизимининг ниституционал тузилмаси фалоятини янада уйғунлаштиришга эришиш лозим.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан(https://aniq.uz/yangiliklar/shavkat-mirziyoevning-uzbekiston-respublikasi-mustaqilligining-29-yilligiga-bagishlangan-tantanali-marosimdagi-nutqi-tuliq)
2. Мирзиёев Ш.М. “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзуидаги анжуманда сўзлаган нутқи. 2017 йил 15 июнъ
3. https://www.hidoya.uz/251/maqolalar/_manaviy_tahdid.html.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги қарори (ПҚ-3160) 28 июль 2017 йил.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2017 йил 23 июнъ ПҚ-3080 сон.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида” ги қарори 2017 йил 13 сентябр
7. S.I.Doniyev, F.A.Ibrakhimov, I.S.Joldasov. Trends int the development of primary education (an example of the finnish system of primary education). - Journal of innovatsions in pedagogy and …, 2020
8. F.A.Ibrohimov. Ta’lim muassasalarida huquqiy ta’lim-tarbiyaning zarurati. Academic Research in Educational Sciences 2020.